

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



Мамлакатимизда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ягона ойна» принципи бўйича хизмат кўрсатадиган дастлабки олтита пункти очилди. Мижозлар бир ернинг ўзида қайд этилган телефон алоқа, интернет хизматлар, CDMA-450 стандартидаги стационар ва мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиши мумкин.


ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ – «ЯГОНА ОЙНА» ПРИНЦИПИ БЎЙИЧА

Пойтахтимизда Тошкентдаги иккита, Нукус, Тошкент, Самарқанд ва Жиззах вилоятидаги биттадан – жами олтита офисни бир вақтнинг ўзида тармоққа улаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Х.Муҳиддинов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар телекоммуникация хизматлари даражасини сезиларли равишда ошириш имконини берганини таъкидладилар. Телекоммуникация тармоғи мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ошмоқда, янги техника ва технологиялар жорий этилмоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоят марказларида рақамли шаҳарлараро станциялар ўрнатилди, магистрал халқаро ва вилоятлар ичидаги алоқа линияларида оптик толали кабель ҳамда рақамли радиореле линиялар ётқизилди, энг янги телевизион ва радио узатиш мосламалари модернизация қилинди ҳамда ўрнатилди, ҳудудларда CDMA стандартидаги симсиз радио тизими татбиқ этилди.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси жорий йил охиригача мамлакатимизда «ягона ойна» принципи бўйича 50 та брендланган абонент пунктларини жиҳозлаш ишларини амалга оширади.

Бугун миллий телекоммуникация оператори ўз тармоқлари билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган. Компания замонавий технологиялар базасида оператор ва провайдерларга қайд этилган ҳамда мобиль алоқа каналларини ижарага бериш, халқаро ва шаҳарлараро алоқа, овозли алоқа




ва маълумотлар узатиш турлари, интернет тармоғидан фойдаланиш, видеоконференцалоқа, CDMA-450 стандартидаги мобиль ҳамда стационар алоқа, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини узатиш учун каналларни ташкил қилиш каби хизматларни тақдим этмоқда.

2010 йилда «SGS» сертификатлаш органи «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига ISO 9001:2008 халқаро стандартларига мувофиқлик сертификати топширди. Жорий йилда компания ва унинг таркибий бўлимлари хизматларини тақлиф этишнинг ягона визуал комплекс стратегиясини яратишга қаратилган «Ўзбектелеком»нинг янги бренд ҳамда суббрендлари кенг жорий этилмоқда.

Ў.А.

Суратлар www.uztelecom.uz сайтидан олинди.



Бевосита мулоқот. Тел. 200-00-59

МЕТАЛЛОЛОМ ЙИГИШИМИЗ ШАРТМИ?

Бизнинг тоғ-кон саноати соҳасидаги корхонамизнинг ишлаб чиқариш ва металл конструкциялар тайёрлаш билан алоқаси йўқ. Бизга ҳокимликдан металл парчалари топширишимиз талаб этилган хат келиб тушди. Биз бунга мажбурми?

Юрисконсулт.

– Фақатгина корхонамиз фаолияти жараёнида металл парчалари ҳосил бўлган тақдирда сиз уни йиғишга мажбурсиз. Бу ҳолда сиз тайёрловчилар билан шартнома тузишингиз ҳамда Қора ва рангли металл парчалари ва

чиқиндиларини тайёрлаш, сақлаш, эҳтиётлаш ва топшириш тартибига¹ мувофиқ металл парчаларини топширасиз.

БОШ БУХГАЛТЕР ЯНА БОШҚА ИШДА

Бош бухгалтер айнан шу ташкилотнинг ўзида ўриндошлик асосида, штатлар жадвалида назарда тутилганидек, маошнинг 50 фоизи тўланган ҳолда ходимлар бўлими инспектори лавозимида ишлашга ҳақлими?

Бош бухгалтер.

– Ҳа, агар сизнинг ички ёхуд юқори турувчи корхонамизнинг локал ҳужжатларида бу борада чекловлар назарда

¹ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 49-сон қарорига 1-сон илова.

тутилмаган бўлса, ҳақли. Меҳнат кодексининг (МК) 160-моддасига мувофиқ ўриндошлик – ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари, асосий ишдан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажаришидир. Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин (МК 72-моддасининг тўртинчи қисми). Сизнинг ҳолатингизда ўриндошлик ички, яъни бир ташкилот доирасидадир.

МУҲИМИ – ШТАТДА БОРМИСИЗ?

Менинг олий юридик маълумотим бор. Ўзим бюджет ташкиотида юрист бўлиб ишлайман. Мен ЭКИХнинг 200 бараваридан кўп

4-бетда

2-бетда

УШБУ
СОҒДА

3-бет

Телефон орқали
саволларга жавоблар

\$1 = 1731,36 сўм

5-бет

Авиачипта қайси валютада
сотиб олинади?

€1 = 2470,68 сўм

6-бет

Жиноятни
эксперт криминалист очади

£1 = 2819,52 сўм

7-бет

ГМО! Биз истеъмо
қилган мевада у борми?

¥10 = 225,44 сўм

1-бетда

шартномалар бўйича хулосалар бера оламанми? Бунинг учун менда адвокат лицензияси бўлиши шартми?

З.Самсонова.

– Ҳа, агар сиз билан меҳнат шартномаси тузилган бўлса, бунга ҳақингиз бор. Бу ҳолда сизга лицензия керак эмас. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун² 21-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ **ёзма хулосалар хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан тузилади.**

Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида низомнинг³ (бундан буён – 182-сон Низом) 3-банди учинчи хатбошисига мувофиқ юридик хизмат битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсултдан иборат бўлиши мумкин.

Корхонанинг юридик бўлими ходими лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин.

САВДОЛАШИНГ, БАРАКА БЎЛАДИ

Хусусий корхонанинг асосий фаолияти тури автомобилларни таъмирлаш ҳисобланади. Бундан ташқари, корхона автомобиль эҳтиёт қисмлари ва алкогольсиз ичимликлар чакана савдоси билан ҳам шуғулланади. Чакана савдони олиб бориш учун бизга лицензия ёки рухсат гувоҳномаси керак бўладими?

Бош бухгалтер.

– Чакана савдо Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига⁴ киритилмаганлиги сабабли сизга лицензия керак эмас.

Чакана савдони амалга ошириш учун рухсат гувоҳномаси ҳам керак эмас, чунки Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига⁵ биноан мазкур талаб юридик шахсларга нисбатан бекор қилинган.

УЛГУРЖИ САВДО КОРХОНАСИДА ЎЗГАРИШЛАР БЎЛСА...

Улгуржи савдо билан шуғулланадиган МЧЖ муассислари ўз улушларини учинчи шахсларга сотишни режалаштирмоқдалар. Муассислар ўзгарганда МЧЖ улгуржи савдо учун лицензияни қайта расмийлаштириш шартми? Агар, бундан ташқари, юридик манзил ҳам ўзгарсачи? Бунда қандай шартларга риоя этилиши керак?

К.Курбонов, МЧЖ бухгалтери.

– Муассисларнинг ўзгариши лицензияни қайта расмийлаштириш учун асос бўлмайди. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг⁶ 20-моддаси, Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомнинг⁷ 23-бандига мувофиқ юридик шахс бўлмиш лицензиатнинг қайта тузилиши, унинг номи ёки жойлашган ери

(почта манзили) ўзгариши лицензияни қайта расмийлаштиришга асос бўлиб ҳисобланади.

Бинобарин, агар оддий муассисларнинг ўзгариши юз берадиган бўлса, лицензияни қайта расмийлаштириш керак эмас. Бироқ, агар бунга қўшимча равишда жамиятнинг жойлашган ери ёки ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарадиган бўлса, унда лицензияни қайта расмийлаштириш керак бўлади. Бунинг учун МЧЖ қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта мобайнида лицензияловчи органга қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

асосни кўрсатган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза;

ташкилот муассиси (муассислари)нинг юридик шахснинг жойлашган жойи ўзгарганлиги тўғрисидаги нотариал тасдиқланган фармойиш ҳужжатининг нусхаси;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияни қайта расмийлаштириш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат, йиғим энг кам иш ҳақининг⁸ ярмини ташкил этади;

лицензиянинг асл нусхаси.

АДВОКАТНИНГ НИМА ИШИ БОР?

МЧЖнинг штатлар жадвалида юрист лавозими мавжуд эмас. Жамият адвокатлик фирмаси билан юридик хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузади. Адвокатларнинг ходимлар бўлими томонидан тузилган ёхуд корхонанинг бошқа ички ҳужжатларини кўздан кечиришга ҳуқуқлари борми?

Л.Халилова, МЧЖ офис-менеджери.

– «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг⁹ 9-1-моддасига мувофиқ юридик ёрдам кўрсатиш учун **битим** тузилади, ушбу битимнинг муҳим шарти бўлиб топшириқнинг предмети ҳисобланади. Айнан у адвокатнинг **ваколат ва ҳуқуқларини белгилайди.**

182-сон Низомнинг 7-банди 1-кичик бандига мувофиқ корхона юристи корхонада меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битим ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва ҳуқуқий хулоса беради. Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун 182-сон Низом тавсиявий хусусиятга эгадир. Бироқ мазкур хўжалик субъектлари ҳам штатдаги юристларга нафақат бундай ваколатларни бериши, балки адвокатлик тузилмалари билан тузиладиган битимлар предметига киритиши мақсадга мувофиқ кўринади.

ШАРТНОМА АСОСИДА КОМПЕНСАЦИЯ

Бизнинг бир ходимимиз меҳнат фаолиятида ўзининг шахсий юк автомобилдан фойдаланади. Шахсий юк автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланилгани учун биз қандай миқдорда компенсация тўлашимиз керак?

Бош бухгалтер.

– Юк автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўлаш масаласи (енгил автомобилдан фарқли равишда) қонун

ҳужжатлари билан тартибга солинмаган, шу сабабли бу тўлов томонлар келишувига биноан амалга оширилади.

МУАССИС УЛУШИДАН ВОЗ КЕЧМОҚЧИ

Бизнинг МЧЖда битта муассис бор. У ўз улушининг бир қисмини учинчи шахсга бермоқчи. Бундай битим ҳаққоний ҳисобланадими?

МЧЖ бош бухгалтери.

– Ҳа, агар жамиятнинг уставида тақиқланган бўлмаса, **улушдан учинчи шахсларнинг фойдасига воз кечиш мумкин** («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг¹⁰ (кейинги ўринларда – 310-II-сон Қонун) 20-моддаси иккинчи қисми).

Жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш, агар уни нотариал шаклда амалга ошириш тўғрисидаги талаб жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлмаса, оддий ёзма шаклда амалга оширилиши керак. МЧЖнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушдан (улушнинг бир қисмидан) ўзган фойдасига воз кечиш бўйича битимнинг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади (310-II-сон Қонуннинг 20-моддаси тўққизинчи қисми).

ДОНАЛАБ ҲАМДА АССОРТИМЕНТ БЎЙИЧА

Илтимос, транспорт воситасининг салониди бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар миқдори хусусида аниқроқ тушунтириш берсангиз.

Х.Хидоятлов, МЧЖ директори.

– Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салониди бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхатига¹¹ мувофиқ дори қутчасида **17 номдаги** ашёлар бўлиши керак, лекин ҳар бир ашё бир нусхада бўлмаслиги мумкин. Уларнинг миқдори автотранспорт воситасининг тоифасига – «В», «С», «Д» – боғлиқдир. Шунинг учун, масалан, «В» тоифасидаги автотранспортда бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар сони 22 тага, «С» да эса – 25 тага тенг.

ЙЎЛЛАНМА БЎЛИШИ ШАРТ

1. Фақат ходимларни ташиш учун фойдаланиладиган, юридик шахсга тегишли бўлган енгил автомобиль ҳайдовчиси қандай ҳужжатларни ёнида олиб юриши керак?

2. АЁҚШда тарқатиш қайдномалари бўйича автомобилга ёнилғи қуйилгудек бўлса, йўл варақаси бўлиши шартми?

К.Ҳақназаров.

– 1. Ҳайдовчи ёнида қуйидагиларни олиб юриши керак: ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки талонни (йўл ҳаракати қоидаларининг¹² 3.1-банди); транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида ҳужжати; автотранспорт воситасини бошқариш учун юридик шахснинг ишончномасини.

Автомобилнинг транспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомга¹³ мувофиқ унинг нотариал тартибда тасдиқланиши назарда тутилмаган; мажбурий сугурта амалга оширилганлигини тасдиқловчи сугурта полисини («Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида» Қонун¹⁴).

2. Ҳа, шарт. Рухсатномалар, тарқатиш қайдномалари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидаларининг¹⁵ 12-бандига мувофиқ истеъмолчининг муҳри билан тасдиқланган ҳайдовчининг йўл варақаси автотранспорт воситасига ёнилғи қуйиш учун асос ҳисобланади ва йўл варақасининг «Ёнилғи берилсин» сатрида берилиши лозим бўлган нефть маҳсулотининг миқдори сўз билан ёзиб кўрсатилади.

Телефон орқали саволларга «Ногма»нинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА жавоб берди.

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

- Телекоммуникация хизматлари – «ягона ойна» принципи бўйича
- Лицензия олиш тартиби янада соддалашади
- Ўзбекистон енгил саноатининг инвестиция салоҳияти юксалмоқда
- Авиачипталар чет эл валютасига сотилганда
- Ҳамма турига татбиқ этилади

1, 4-5-бетлар

✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

- Металлолом йиғишимиз шартми?
- Бош бухгалтер яна бошқа ишда

- Муҳими – штатда бормисиз?
- Савдолашинг, барака бўлади
- Улгуржи савдо корхонасида ўзгаришлар бўлса...
- Адвокатнинг нима иши бор?
- Шартнома асосида компенсация
- Муассис улушидан воз кечмоқчи
- Доналаб ҳамда ассортимент бўйича
- Йўлланма бўлиши шарт
- Ходима яна она бўлганда
- Фармацевт учун разряд
- Коллежда ўқиш стажга ҳисобланмайди
- Мутаносиб равишда
- Дубликат берилиши керак

- Таътил пулини тўлиқ олишга ҳаққи бор
- Валюталар курси

2-3-бетлар

✓ ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

- Девордаги осиглиқ милтиқнинг отилмоғи тайин
- Ўзганинг номидан иш кўрган қаллоблар қамалди
- Арзонига учманг

✓ СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

- Сирти ялтироқ...

6-бет

✓ top

7-бет

8-бет

ХОДИМА ЯНА ОНА БЎЛГАНДА



Декрет таътилига чиқаётган ходима Тошкентда вақтинча рўйхатга олинган бўлиб, Сурхондарёда доимий яшайди. Паспортни алмаштирганидан кейин Тошкентдаги рўйхатдан чиқарилди. У иккинчи боласининг туғилиши муносабати билан декрет таътилида бўлганлигини тасдиқлайдиган меҳнатга қобилиятсизлик варақасини тақдим этди.

1. Унга нафақа биз тўлашимиз керакми ёки у нафақани ўзининг вилоятида олиши мумкинми?
2. Биз у билан меҳнат шартномасини бекор қила оламизми?
3. Биз бир вақтнинг ўзида икки болага нафақа тўлашимиз керакми?

Х.Отабоева.

– 1. Ходима билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаганлиги боис болани парвариш қилиш нафақасини унга корхонагиз (ташкilotингиз) ўз маблағлари ҳисобидан тўлайди (Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг¹ 11-банди, бундан кейин – 1113-сон Низом).

2. Ташкilotингиз ходима болани парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган вақтида ўзининг ташаббусига кўра у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эмас. Агар унинг ўзи меҳнат шартномасини бекор қилиш хоҳишини билдирса ёки тарафлар келишиб олишса, уни бекор қилиш мумкин.

3. 1113-сон Низомнинг 4-бандига мувофиқ, агар икки ва ундан кўп туғилган болалар парваришланаётган бўлса, унда болани парвариш қилиш бўйича нафақа битта



микдорда энг кичик бола икки ёшга тўлгунгача қадар тўланади. Агарда бола 2 ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича таътил даврида она иккинчи бола учун ҳомиладорлик ва туғиш таътилига ҳуқуқи бўлса, бунда онанинг хоҳишига кўра шу давр учун икки нафақадан биттаси тўланади.

ФАРМАЦЕВТ УЧУН РАЗРЯД



Фармацевтика ходимлари учун қандай разрядлар назарда тутилган?

Бош бухгалтер.

– Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида низомнинг² 12-бандига мувофиқ даволаш-профилактика муассасаларининг фармацевтика ходимлари учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади:

Лавозимлар номи	Разряд
1. Провизор	
тоифасиз	4
II тоифа	5
I тоифа	6
олий тоифа	7
2. Фармацевтика ходимлари	
тоифасиз	1
II тоифа	2
I тоифа	3
олий тоифа	4

Мазкур меъёр Президентнинг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сон Фармони³ билан ташкил этилган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига ҳамда бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича Ягона тариф сеткаси асосида ҳақ тўланадиган соғлиқни сақлаш муассасаларининг ишчи ва хизматчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

КОЛЛЕЖДА ЎҚИШ СТАЖГА ҲИСОБЛАНМАЙДИ



Биз коллеж талабасини ишга қабул қилдик, унинг учун меҳнат дафтарчасини олдик. Унга коллеждаги ўқиш тўғрисида биринчи ёзувни биз киритишимиз лозимми ёки буни коллежнинг ўзи қилиши керакми?

Бош бухгалтер.

– Қонун ҳужжатларида мазкур ёзувни киритишга мажбур этадиган меъёрлар мавжуд эмас. Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномага⁴ мувофиқ иш берувчининг ишга қабул қилиш тўғрисида ёзувни қайд этиши етарлидир. 402-сон Йўриқноманинг 2.14-бандига мувофиқ ўқиш вақтини меҳнат дафтарчасига ўқув юрти алоҳида-алоҳида эмас, балки битта ёзув билан киритади: аввал ўқишга кирганлиги, кейин эса уни тугатганлиги ёзилади.

Бироқ таъкидлаш жоизки, сизнинг ҳолатингизда коллежда ўқиш тўғрисидаги ёзувни

меҳнат дафтарчасига киритиш умуман мақсадга мувофиқ эмас. Бундай ёзув фақат олий ўқув юртининг битирувчисига фойдали бўлиши мумкин, чунки фақат олий таълим муассасаларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш умумий меҳнат стажига ҳисобланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун⁵ 37-моддаси биринчи қисмининг «е» кичик банди). Ўрта махсус ўқув юрти бўлган коллеждаги ўқиш даври меҳнат стажига ҳисобланмайди.

¹МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

²ВМнинг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига 2-илова.

³«Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида».

⁴Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

⁵1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон.



Мен ихтисослашган болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаганман ва иш ҳақининг 100%и миқдорида қўшимча ҳақ олганман. Кейин эса менинг розилигим билан жисмоний тайёргарлик бўйича йўриқчи лавозимига ўтказилди. Ҳозир мен ярим йил мобайнида тарбиячи, ярим йил эса йўриқчи бўлиб ишлаган йил учун таътил олмоқчиман. Тарбиячиларда 48 кун, йўриқчида эса 28 кун ҳажмида таътил назарда тутилган. Менга қанча кун таътил берилиши керак?

С.Сухина.

МУТАНОСИБ РАВИШДА

– Мазкур масала меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида аниқ тартибга солинмаган. Мазкур вазиятда, бизнинг фикримизча, Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) 141-моддасига мувофиқ таътиллار қанча давом этишини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқариш тартибини қўллаш керак: таътиллار муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бинобарин, ушбу йил мобайнида сиз ярим йил тарбиячи, ярим йил йўриқчи бўлиб ишлаган бўлсангиз, йилнинг биринчи ярми учун 24 кун (48 / 12 x 6), иккинчи ярим учун эса 14 кун (28 / 12 x 6), жами 38 кун таътил берилиши керак.

ДУБЛИКАТ БЕРИЛИШИ КЕРАК



Меҳнат дафтарчам йўқолган. Мен ишга жойлашган корхонада уни тиклашдан бош тортишди. Янги меҳнат дафтарчасини расмийлаштиришим керакми? Бу ҳолда бундан аввалги меҳнат стаж тўғрисидаги ёзувлар қандай қилиб тикланади?

ШК офис-менеджери.

– Йўқ, йўқолганда янги меҳнат дафтарчаси тўтилмайди. Бу ҳолда унинг дубликати берилади. Меҳнат дафтарчасини йўқотган шахс бу тўғрида зудлик билан охириги иш жойидаги иш берувчига эркин шаклдаги ариза билан мурожаат қилиши лозим (402-сон Йўриқноманинг 4.2-банди). Ариза олингандан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан у меҳнат дафтарчаси дубликатини бериши шарт.

Меҳнат дафтарчаси эгасининг олдинги иш стаж жамланиб, яъни қайси корхонада ва қайси лавозимларда ишлаган йиллари, ойлари ва кунлари сони тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ёзилади. Агар тақдим этилган ҳужжатлардан ходим худди шу корхонадаги бошқа доимий ишга ўтказилганлиги аён бўлса, бу ҳақда ҳам тегишли ёзув қайд этилади.

ТАЪТИЛ ПУЛИНИ ТЎЛИҚ ОЛИШГА ҲАҚҚИ БОР



Ўтган йил ноябрида янги ходимни ишга қабул қилдик. Жорий йилнинг июнида ходим унга йиллик таътил беришлари тўғрисида ариза берди. Кадрлар бўлими инспектори таътил тўғрисида буйруқ тайёрлади, уни раҳбар имзолади. Ходим буйруққа мувофиқ таътилга чиқди. Бухгалтер унга пул тўлашдан бош тортипти, ходимга меҳнат таътили тўлиқ миқдорда эмас, у ишланган вақтга мутаносиб равишда берилиши керак деб ҳисоблаб, буйруқни бекор қилишни талаб қиляпти. Бухгалтериянинг талаби қонунийми?

Офис-менеджер.

– Меҳнат буйруғини бекор қилиш мумкин эмас. МКнинг 143-моддасига мувофиқ биринчи иш йили учун йиллик асосий таътил 6 ой ишлагандан кейин берилиши мумкин. Бундан келиб чиқадик, агар корхонада меҳнат шартномасига мувофиқ ходимга 18 кун давом этадиган йиллик асосий таътил берилса, ҳатто агар ходим 11 ой ишламасдан таътилга чиққанда ҳам у тўлиқ миқдорда бери-

лиши керак. Мазкур ҳулоса МК 164-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди билан ҳам тасдиқланади, унда айтилишича: ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, – таътилни ишланмаган даврга тегишли кунлари учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади.

Меҳнат таътилини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқариш тар-

тибини қўллаш ҳоллари қонун ҳужжатларида қайд этилмаган ва баъзан уларни қўллаш бўйича ихтилофлар келиб чиқади. Бироқ, мазкур тартибни, масалан, ўриндошлик, ходимни бошқа ишга ўтказиш чоғида ва бошқа шу каби ҳолларда қўллаш мумкин. Бухгалтерия раҳбарнинг фармоиши (буйруғи)га асосан меҳнат таътилига пулни тўлиқ тўлаши шарт.

Эълон

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ЎРНАТИЛДИ

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.

Соат 10.00 дан 12.00 гача


Телефон:

уяли телефондан +99871 200-00-59
стационар телефондан 8371

Хизматлар бепул



Реклама



ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



Телефон орқали саволларга «Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА жавоб берди.

ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ ТАРТИБИ ЯНАДА СОДДАЛАШАДИ

1-бетда

нотариал тасдиқланган нусхалари ўрнига уларнинг нотариал тасдиқланмаган нусхаларини топшириш мумкинлиги назарда тутилган.

Шунингдек, амалда тадбиркорлик субъектлари бир ҳафта муддатда лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензия берувчи органга ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишга улгурмаслиги, бу ўз навбатида лицензияланган фаолиятни юритишни тўхтатиб қўйиш ҳолатларига олиб келиши мумкин. Аксинча, муддатнинг узайтирилиши лицензия олувчининг лицензия тартиблари ва шартларини бажариши учун ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 мартдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-1513-сон қарорига асосан таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда, тадбиркорлик субъекти томонидан қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим қилиш муддати 7 кундан бир ойга узайтирилган.

Шуни инобатга олган ҳолда, лицензиялаш жараёнларини соддалаштириш, лицензия талаб қилинадиган фаолият турларига кенг йўл очиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича мазкур қонун лойиҳасининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган қароридан назарда тутилган норма сингари лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензия берувчи органларга ариза бериш муддатини узайтириш назарда тутилган.

Бундан ташқари, лицензия олиш жараёнида тадбиркорлик субъектларининг харажатларини қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензия даъвоғари аризасини кўриб чиқиш учун йигим миқдорини белгилувчи нормага ўзгартириш киритилиши назарда тутилмоқда. Чунки лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш харажатлари лицензияланадиган фаолият турининг ўзига хос хусусиятига қараб ҳар хил бўлади. Шунинг учун аниқ бир ставка белгилаш ҳам лицензия берувчи орган, ҳам лицензия даъвоғари учун мақбул келмайди. Шу муносабат билан қонунчиликда тегишли харажатларга қараб йигим ундиришни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун янада эркин шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Р.САБИРЖАНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

САЙЁҲЛИК СОҲАСИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон – сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ушбу соҳани жадал ривожлантириш, юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда. Юртимизда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан ҳамкорликда ҳар йили халқаро сайёҳлик ярмаркалари, соҳага оид кўплаб халқаро конференция ва семинарлар ўтказилаётир.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, жорий йилнинг биринчи ярмида юртимизда сайёҳлик хизматининг ўсиш суръати 27 фоиз, сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми эса 6,6 фоизни ташкил этган. Соҳада иш бошлаган янги хўжалик субъектлари сони ҳам ортиб бормоқда. 2011 йилнинг январь-июнь ойларида 71 сайёҳлик корхонаси ва 29 меҳмонхона ишга тушди. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада 782 корхона, 294 меҳмонхона, қарийб 450 сайёҳлик оператори фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистонда йилнинг тўрт фаслида ҳам хорижлик меҳмон ва сайёҳларни қабул қилиш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Мамлакатимизда спорт сайёҳлиги ва экотуризм ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанғи

спортга қизиқувчилар кўпаймоқда. 2011 йилнинг биринчи ярмида сайёҳлик хизматлари экспорти 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 29,9 фоиз ошди.

Соҳада шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор берилаётир. Юртимиз сайёҳлик салоҳиятини намойиш қилиш ва сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан маркетинг лойиҳалари – мега-инфо-турлар ташкил этилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой, Буюк Британия, Россия, Нидерландия, Венгрия, Сингапур ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг 214 сайёҳлик компанияси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш, иқтисодий фаолликни янада кучайтириш доирасида сайёҳликни ривожлантириш, чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтиришга эришиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар келгусида ўзининг янада юксак самараларини бериши шубҳасиз.

ЎЗА.

Ўзбекистон енгил саноати нафақат минтақада, балки халқаро миқёсда ҳам мустаҳкам етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бугунги кунда ушбу соҳа улуши саноат ишлаб чиқариш ҳажмида 26 фоиздан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида эса 44 фоиздан ошди. Мамлакатимиз ва хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши, улар асосида энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарувчи қувватларнинг ташкил этилган ушбу муваффақиятларга эришишда муҳим омил бўлди.

Тўқимачилик саноатида янги объектларнинг ишга туширилиши ва фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг техник қайта жиҳозлангани бунга ёрқин мисол бўла олади. Президентимиз Ислам

2011 йилнинг июлида «Indorama Industry» компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан ташкил қилинган. Янги қўшма корхонанинг низом жамғармаси миқдори 18 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бунда хорижий инвестор улуши 76 фоиз бўлиб, қолган 24 фоизи Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига тегишлидир.

Аввал Сингапурнинг «Indorama Industry» компанияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси билан Қўқон тўқимачилик комбинатининг мулки бўлган мажмуани нолга тенг харид қиймати бўйича сотиб олиш борасида шартнома имзолаган эди. Бунда инвестор корхона қурилиши яқунлаш ва 2010–2013 йилларда камида 55 миллион доллар-

плекти барча халқаро сифат ҳамда хавфсизлик стандартларига мос келади. Улар табиий ва синтетик толадан ип тайёрлаш учун янги авлод технологик ускуналар ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи жаҳонга машҳур корхоналардан бири – Швейцариянинг «Rieter» компаниясидан келтирилди.

Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар энг илғор техника билан жиҳозланган махсус лаборатория текширувидан ўтказилади. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг барча босқичида, жумладан, хом ашёни текширишда ҳам маҳсулот сифатини назорат қилиш имконини беради.

Корхонада вақтдан унумли фойдаланиш ва ускуналарнинг тўхтаб туришини камайтириш мақсад ишни бир неча сменада ташкил

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси умумий қиймати 56,4 миллион АҚШ долларига тенг 11 инвестиция лойиҳасини амалга оширишни ниҳоясига етказмоқда.



Каримовнинг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган 2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисидаги ва 2010 йил 15 декабрда имзолаган «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорларида ана шу ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 11 инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу объектларда 17,2 минг тонна ип, 7 миллионга трикотаж маҳсулотлари, 5,2 миллионга пайпоқ маҳсулотлари, шунингдек, 0,2 миллион квадрат метр шойи матолари ишлаб чиқарилади.

– Қўқон тўқимачилик комбинати негизда ташкил этилган «Indorama Kokand Textile» тўқимачилик ишлаб чиқариш мажмуасининг фойдаланишга топширилиши энг йirik инвестиция лойиҳаси ҳисобланади, – дейди «Ўзбекенгилсаноат» компаниясининг инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудий лойиҳалар мониторинги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари У.Рўзиев. – Яқин вақт ичида ушбу корхонада йилига 9 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имконини берадиган дастлабки босқични ишга тушириш режалаштирилмоқда.

«Indorama Kokand Textile» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси

лик инвестиция киритиш мажбуриятини олган эди.

Умумий майдони 17,3 гектар бўлган ушбу янги тўқимачилик мажмуаси Қўқонда жойлашган. У Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг йигирилган ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг илғор корхоналаридан бири бўлади. Мажмуанинг ишга туширилиши билан 325 янги иш ўринлари ташкил этилади. Корхона бошқарув, техника ва технология соҳасининг юқори малакали мутахассислари билан таъминланади. Сифатни бошқариш бўйича пухта ўйланган стратегия ва машиналарнинг юқори унум билан ишлаши ташқи бозорда харидоргир бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Корхонада ўрнатилган ва пахта толасидан сифатли ип ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар ком-

етиш кўзда тутилмоқда. Бу ерда ишчи-ҳодимлар учун барча зарур маиший шарт-шароит ва қулайликлар яратилган.

Янги тўқимачилик мажмуасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун унинг ҳудудида авария ҳолати юз берганда электр энергияси етказиб берадиган мустақил электр трансформатор станциялари ва генераторлари ўрнатилган, ёнғинни ўчириш тизими учун сув тўплаш ҳамда сақлаш резервуарлари, омборхона бинолари қурилган, бир сўз билан айтганда, тўқимачилик корхонасининг замонавий қиёфасига мос барча зарур шароитлар яратилган.

Шуниси эътиборлики, ип йигириш бўйича янги технологияни яратиш ҳисобидан 2013 йил охирида тўқимачилик мажмуаси лойиҳа бўйича йилига 16–20 минг тонна пахта толасини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу йилига 26–32 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имконини беради. Ишлаб чиқариш жараёнига 500 нафардан ортиқ одам жалб этилади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон енгил саноати салоҳияти изчил ривожланмоқда. Зеро, самарали бошқарув тизимига эга ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган «Indorama Kokand Textile» тўқимачилик мажмуаси каби замонавий иншоотларнинг ишга туширилиши истиқболда ҳам тўқимачилик соҳасида юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш ҳамда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

ЎЗА.

МДҲ ВА БОЛТИКБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	18.08.2011	1	0,7864	1	1,1329	1	0,0273
Арманистон	18.08.2011	1	366,51	1	528,14	1	12,65
Беларусь	19.08.2011	1	5017,00	1	7229,00	1	173,53
Грузия	18.08.2011	1	1,6493	1	2,3849	1	5,7425
Қозғоғистон	19.08.2011	1	146,29	1	210,88	1	5,05
Қирғизистон	19.08.2011	1	44,7998	1	63,3261	1	1,5123
Латвия	19.08.2011	1	0,488	1	0,702804	1	0,017
Литва	19.08.2011	1	2,3974	1	3,4528	10	8,2881
Молдова	18.08.2011	1	11,3516	1	16,4052	1	0,3957
Тожикистон	19.08.2011	1	4,7414	1	6,8112	1	0,1638
Ўзбекистон	16.08.2011	1	1731,36	1	2470,68	1	58,80
Украина	18.08.2011	100	797,10	100	1153,9617	10	2,7754
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

АВИАЧИПТАЛАР ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИГА СОТИЛГАНДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 августдаги «Авиаташув хизматлари амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 224-сон қарори билан белгиланган тартибга кўра, 2011 йил 5 августдан бошлаб авиакомпаниялар, уларнинг ваколатхоналари ва агентлари Ўзбекистон ҳудудида авиачипталарни:

бутун авиаташувнинг бошланғич жўнаш пункти Ўзбекистон Республикасининг ташқарисиди бўлганда – Ўзбекистон Республикаси резидентларига;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларига (барча ҳолларда) фақат чет эл валютасида сотади.

Эслатиб ўтамиз, 2002 йилнинг июнь ойидаёқ авиакомпаниялар ва уларнинг агентлари томонидан Ўзбекистон резидентларига ва норезидентларига жўнаш пункти ва бориш пункти Ўзбекистон чегарасидан ташқарида жойлашган авиаташувларга авиачипталар фақат хорижий валютада сотилиши белгиланган (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 235-сон қарорининг¹ 2-банди).

224-сон Қарорда резидент ва норезидент таърифлари келтирилмаган, шунингдек улар тилга олинган қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга амал қилиш лозимлиги тўғрисида бевосита кўрсатма мавжуд эмас. Ўзбекистон ҳудудида валюта операциялари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун² (бундан кейин – Қонун) ҳисобланади. Шу сабабли, агар мантиққа амал қилинса, авиакомпаниялар ва улар ваколатхоналарининг ходимлари айна ушбу ҳужжатнинг таърифларига амал қилишлари керак. Қонуннинг 4-моддасига кўра, қуйидагилар Ўзбекистон резидентларидир:

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар (яъни Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси бўлган ва рўйхатдан ўтказилган шахслар);

Ўзбекистон ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа

ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон ташкилотларининг чет элдаги, ҳўжалик ва бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари.

Резидент тушунчасига дахлдор бўлмаган бошқа барча шахслар **норезидентлар** ҳисобланади (Қонуннинг 5-моддаси).

224-сон Қарор билан бир қатор ҳужжатлар тасдиқланди.

● **Хорижий авиакомпаниялар ваколатхоналари томонидан давлат солиқ хизмати органларига ахборот тақдим этиш ва маблағларни репатриация қилиш тартиби тўғрисидаги низомда** назарда тутилишича, ваколатхоналар ва агентлар


рақамларидан ваколатхоналарнинг Ўзбекистон банкларида очилган ҳисобрақамларига ўтказилиши керак.

Ваколатхоналар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кундан кечиктирмасдан ҳудудий солиқ органларига белгиланган шакллар бўйича ахборот тақдим этишлари керак. Уларга унинг тўғрилигини текшириш ва қўшимча маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Ҳужжат билан шунингдек репатриация қилиниши (хориждаги чет эл авиакомпаниясининг ҳисобрақамига ўтказилиши) керак бўлган маблағларни аниқлаш тартиби ҳам белгиланган.



томонидан авиаташувларни сотишдан олинган миллий ва чет эл валютасидаги барча тушум уларнинг банк ҳисобрақамларига қилинади. Бироқ агентлар томонидан авиаташувларни сотишдан олинган тушум авиачипталар сотилган кундаги Марказий банк курси бўйича миллий валютада у томонидан ушлаб қолинган воситачилик ҳақи чегирилган ҳолда уларнинг банк ҳисоб-

● **Хорижий авиакомпаниялар ваколатхоналарини доимий муассаса сифатида давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш ҳамда хорижий авиакомпаниялар томонидан олинган даромадлардан солиқ тўлашдан озод этиш тартиби тўғрисидаги низомда** хорижий авиакомпаниялар ваколатхоналарининг очилиши Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида аккредитациядан ўтиш орқали амалга оширилиши назарда тутилган. Ваколатхона очи-



лишига рухсатнома (аккредитациядан ўтганлик тўғрисидаги сертификат) берилган кундан бошлаб у аккредитация қилинган ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида тижорат фаолиятини амалга оширувчи ваколатхоналар доимий муассасалар деб эътироф этилади. Улар қуйидаги муддатларда солиқ органларида ҳисобга туришлари лозим:

амалдаги ваколатхоналар – 224-сон Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 10 кун давомида, яъни 10 августга қадар;

қолганлари – аккредитациядан ўтган кундан бошлаб 183 кундан кечиктирмасдан.

Доимий муассаса Ўзбекистоннинг бошқа давлат органларида рўйхатга олинганидан қатъи назар фаолият юритаётган жойдаги солиқ органида ҳисобга туради. Ўзбекистондаги фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки Ўзбекистон резиденти билан агентлик келишувини тузган хорижий авиакомпания халқаро шартномаларга мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиши учун доимий муассаса ёки агент рўйхатдан ўтган солиқ органига Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ солиқ тўлашдан озод қилинганлиги ҳақида билдирувчи ҳамда юридик шахслардан олинган фойда солиғи ҳисоб-китобини тақдим этади. Солиқ органи томонидан хорижий авиакомпания солиқ имтиёзларини ноқонуний қўллагани аниқланган тақдирда, бу ҳақда унинг ваколатхонасига тегишли тузатишлар киритиш талаби билан ёзма равишда хабар қилинади. Ваколатхона уни олган кундан бошлаб 10 кун ичида тузатилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларга асос тақдим этиши шарт.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юрисконсульти.

Ҳўжалик ҳуқуқи

ҲАММА ТУРИГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-илованинг 1-бандида айтилишича, хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан озиқ-овқат товарларини чакана сотиш билан шуғулланишлари мумкин (бундан ўсимлик ёғи ва алкогольли маҳсулотлар реализацияси мустасно).

«Ўсимлик ёғи» деганда нима назарда тутилади?

Агар ушбу талаб фақат пахта ёғига (акцизли товар) тааллуқли бўлса, бунда вазият тўлиқ равшан ва тушунарли. Ёки мазкур талаб барча турдаги ўсимлик ёғига, шу жумладан зайтун ёғига (акцизланмайдиган товар) оид бўлса-чи?

А.Бурнаев,
МЧЖ ХК бош директори.

– ВМнинг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-иловада¹ тилга олинган «ўсимлик ёғи» тушунчасини аниқлаштириш учун 30623-98-сон давлат стандарти «Ўсимлик ёғлари ва маргарин маҳсулоти»га амал қилиш лозим. Унга А иловасининг

А.1-бўлимига мувофиқ ўсимлик ёғлари 8 гуруҳга бўлинади. Хусусан, 5-гуруҳга қуйидагилар қиради:

олеин кислотаси массада энг кўп улушга эга бўлган ўсимлик ёғлари:

кунгабоқар юқори олеин кислоталик ёғи;
гуруч ёғи;
зайтун ёғи;
ерёнғоқ (арахис) ёғи;
кашнич ёғи;
шафтоли ёғи;
олхўри ёғи;
ўрик ёғи;
бодом ёғи.

Шу тариқа, ВМнинг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига 1-илованинг 1-сатри ҳам, ВМнинг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (1998 йил 4 сентябрдаги 378-сон) қарори² 1-бандининг иккинчи хатбошиси ҳам барча турдаги ўсимлик ёғларига, шу жумладан зайтун ёғига татбиқ этилади.

Артём МОКШИН,
«Норма» МЧЖ эксперт
юридик хизматининг
бошлиғи.

¹Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати.

²Аҳолига ўсимлик ёғи сотиш фақат юридик шахс шаклидаги чакана савдо ташкилотлари томонидан назорат-касса аппаратлари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчалари орқали амалга оширилади.

Реклама

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Сирдарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Гулистон шаҳар суд ижрочилиари бўлими томонидан, Сирдарё вилоят ҳўжалик судининг 2011 йил 25 июлдаги 12-1002/12306(11)-сонли ижро варақасига асосан қарзни ундириш эвазига хатланган, Гулистон шаҳар «Лидер инвест» МЧЖда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «КЕИС-2166» русумли, д/б 5570 СР бўлган, 1997 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 76 280 685 сўм. 2. «КЕИС-2166» русумли, д/б 8259 СР бўлган, 1999 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 131 930 801 сўм. 3. «КЕИС-2166» русумли, д/б 8256 СР бўлган, 1998 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 131 930 801 сўм. 4. «КЕИС-2166» русумли, д/б 2870 ЕЛ бўлган, 1998 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 109 942 334 сўм. 5. «КЕИС-2166» русумли, д/б 3835 ЕЦ бўлган, 1999 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 131 930 801 сўм. 6. «КЕИС-2166» русумли, д/б 1019 ЕЮ бўлган, 1998 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 131 930 801 сўм. 7. «КЕИС-2166» русумли, д/б 1738 СР бўлган, 1998 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 131 930 801 сўм. 8. «КЕИС-2166» русумли, д/б 5737 ЕЦ бўлган, 1998 й. и/ч, соз ҳолдаги комбайн. Бошланғич баҳоси – 109 942 334 сўм.

Аукцион 2011 йил 20 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ушбу комбайнлар билан туман суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Сирдарё вилоят филиалининг ДТ Халқ банки Сирдарё шаҳар филиалида қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО: 00760, ИНН: 200933850, х/р: 20210000800571452122.

Манзил: Гулистон шаҳар, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Тел.: (8-3672) 26-28-93, 26-38-91.

Эксперт криминалист ён дафтаридан

Шу муносабат билан анча илгари рўй берган бир ҳодиса ёдга тушди. Прокуратура терговчиси ва суд-тиббий экспертдан иборат навбатчи гуруҳ қотиллик содир бўлган ётоқхонага чақирув бўйича жўнаб кетди. Воқеа рўй берган жойда мурда йўқ – «тез ёрдам» машинаси ярадорнинг ҳаётини сақлаб қолиш умидида уни касалхонага олиб кетган экан. Бироқ тиббиёт ходимлари унинг жонини омон сақлаб қола олмадилар.

Маълум бўлишича, марҳум – ёш милиция ходими, кеча кечкурун ўзи яшайдиган ётоқхонага қайтганида хизмат тўппончаси ёнида экан: уни шундоққина краватга ташлагану овқатланиш учун ошхонага ўтган. Ҳамётоқ дўсти тўппончани олиб, ҳазил қилмоқчи бўлган – оёқ учиди секингина унга яқинлашиб, бошига тўппонча тираб, «Қўлларингни кўтар!», – деб қичқирган. Бу ёқимсиз қилиққа жавобан дўсти силтаниб, ўзини орқага тортгану у «ҳазилкаш»ни туртиб юборган, у эса ёш милиционернинг бошига қараб ўқ узган. Ҳалок бўлган милиционер ўзи йўл қўйган қоидабузарлик учун жазосини олган. Зотан, у қуролни уйига олиб келиш, дуч келган жойга ташлаш, тўппончани ўқи билан қолдириш ҳуқуқига эга эмасди. Боз устига у ўқдонда ўқни қолдирган, муҳофаза чораларини кўрмаган ҳам.

Бахти чопмаган қаттол ўсал ҳолатга тушиб қолган ва навбатчи терговчининг биронта ҳам саволига жавоб бера олмаган. Кўшни хонадагилар ҳалок бўлган милиционер илгари ҳам бир неча марта тўппончасини ётоққа олиб келганлигини, улар овлоқ жойга бориб, шиша ва кушларга ўқ отиб, машқ қилишганлигини айтиб беришди. Одатда, тўппонча ўқдан бўшатиб қўйилган бўларди, шу сабабли марҳумнинг ёру дўстлари у билан худди шу йўсинда бир неча бор

«ҳазил қилишган». Хуллас, саҳна қонуни ҳаётдаги фожиали ҳолатда ўзининг тўла тасдиғини топди.

Ўшанда баллист экспертлар чиндан ҳам марҳум аини шу тўппончадан ўлдирилганлигини аниқладилар, яъни қуролни ўқ излари ва гильза бўйича идентификация қилдилар, шунингдек ўқ қандай масофадан узилганлигини аниқлаб бердилар. Терговга бу нарсаяйбланувчининг кўрсатмаларини тасдиқлаш ёки рад этиш учун зарур эди.

Ўқнинг «адашиши» билан боғлиқ яна бир воқеа ов вақтида содир бўлган эди. Эрта тонгда, қалин туманда бир овчи адашиб, бошқасини ўлжа деб отиб қўйган экан.

Ов билан боғлиқ ана шу иш юзасидан баллист экспертларимиз машғум ўқ аини қайси қуролдан отилганлигини аниқлаб беришлари лозим эди. Негаки, маст овчилар терговчининг аини ким ўз дўстини ўлдирди деган саволига тайинли жавоб бера олмадилар. Экспертизага бир неча ов милтиғи ҳамда суд-тиббий эксперт марҳумнинг жасадидан чиқариб олган сочма ўқлар тақдим этилди. Сочма ўқ бўйича қуролни ҳамиша ҳам идентификация қилиш мумкин деб бўлмайди. Аммо мазкур ҳолатда экспертлар мураккаб микроскопик текширишлар ўтказиб, сочма ўқларнинг қисмида идентификация қилиш учун керакли изларни аниқлай олдилар. Сўнгра қиёсий текшириш ўтказиб, қотилликка олиб келган ўқ аини қайси қуролдан узил-

нича, милтиқ учини ерга тираб унга суянган, шу зайил стволнинг маълум қисмини ерга киритиб юборган ҳам. Натижада ўқ отилганда милтиқ стволида тўпланиб қолган газ орқага ҳаракатланиб, овчининг ўзини ўлар ҳолатда ярадор қилган. Бу иш бўйича суд-баллистик экспертизадан ташқари суд-тиббий экспертиза ҳам ўтказилди. Чунки яраланиш ўқ ёки сочма ўқ оқибатида эмас, милтиқ стволидаги газ гирдибоди таъсирида рўй берган эди.

Одатда баллист экспертлар қон шимган ёки қон қотиб қолган устбош билан иш олиб боришади. Агар ўқотар қуролдан яраланиш оқибатида ҳалок бўлган шахс ўша ондаёқ топилган бўлмаса, унинг кийими ёғланиши, могор босиши мумкин. Булар эса текширишни қийинлаштиради, албатта. Бундай

баъзан. Ана шунда тергов бор умидни кийим-кечакни суд-баллистик экспертизадан ўтказишга боғлайди. Зотан, бундай экспертиза баданга шикаст етказган қурол излари сақланган кийим-кечакни биринчи бўлиб қабул қилиб олади. Бундай кийим-кечакдаги излар эса жасаднинг тери ва бошқа тўқималаридагига нисбатан яхшироқ ва узоқроқ сақланади. Экспертларимиз кийимдаги шикастлар бўйича уларнинг ҳосил бўлиш механизмини аниқлаб, кийим эгаси ўлимнинг сабабларини топишда терговга яхши ёрдам берадилар.

Умунан олганда, суд-баллистик экспертиза жабрланувчининг кийимидаги шикастларнинг ҳосил бўлиш механизмларини аниқлаш ва қуролни идентификация қилиш билан боғлиқ масалалардан бошқа қатор масалаларни ҳам ҳал этади. Чунончи, экспертлик йўли билан, яъни суд-баллистик экспертиза ёки комплекс тиббий-баллистик экспертиза ёрдамида ўқнинг йўналиши, ўқ қайси масофадан отилганлиги, муайян ўқотар қурол созилиги ва отишга ярқилиги аниқланади, қуролнинг ўз-ўзидан отилиб кетиш эҳтимоли ўрганилади, яъни ерга урилиб ёхуд силкитиш натижасида, бинобарин, тепки босилмасдан отилиб кетиш ҳоллари ўрганилади. Бу масалалар тергов ва суд учун нақадар муҳим эканлиги ҳақида гапириб ўтирмасам бўлади деб ўйлаймиз. Зарур ҳолларда баллист экспертлар ўқотар қурол қўлланишига оид ишлар бўйича бошқа масалаларни ҳам ҳал этиб беришлари мумкин, уларнинг ечим топиши эса тергов учун жуда-жуда зарурдир.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги
хузуридаги Республика
суд экспертизаси маркази
давлат эксперти.

ДЕВОРДАГИ ОСИГЛИК МИЛТИҚНИНГ ОТИЛМОҒИ ТАЙИН



Маълумки, театр санъатида хос маталларидан бирида спектаклнинг биринчи саҳнасида деворда милтиқ осиглиқ турган бўлса, асар охиригача у албатта отилмоғи керак, дейилади. Бу ҳикматона гап саҳнадагина эмас, балки реал ҳаётда ҳам ўз исботини топади.

Илгарилари ов ўрмон бекари томонидан ташкил этилиши бежиз эмасди, чунки улар овчиларни рақамлаб, муайян нуқталарга жойлаштирарди. Ҳар бир овчи ўз жойини ва бошқалар турган жойни билиши шарт эди. Эндиликда «томоқни хўллаб олган» овчилар овчи ҳамроҳлари у ёқда турсин, ўзлари қаерда эканликларини ҳам баъзан яхши билмайдилар.

ганлигини аниқладилар. Шу зайил эҳтиётсизлик орқасида бўлсада, овда қотиллик содир этган айбдорни аниқлашда терговга чинакам ёрдам кўрсатилди.

Овдаги бахтсиз ҳодисага оид бошқа бир иш бўйича суд-баллистик экспертиза ўтказилгани ҳам хотирада сақланиб қолган. Бир ношуд овчи ўқни аранг милтиққа жойлаб, қўндоғига тирсагини қўйга-

ҳолларда баллист экспертлар асосан шикастланишларнинг юзага келиш, ҳосил бўлиш механизмларини аниқлайдилар. Ўқотар қурол билан кийим материалга етказилган шикастни кесилиш ёки ёрилиш таъсиридаги шикастан фарқлаш осон эмас. Суд-тиббий экспертлар мурдани ёриб кўриб, ўлим сабабини аниқлашга муваффақ бўлмаган ҳоллар ҳам бўлади

Хорижда

ЎЗГАНИНГ НОМИДАН ИШ КЎРГАН ҚАЛЛОБЛАР ҚАМАЛДИ

Хитой маъмурлари томонидан жаҳонга машҳур дори воситалари, алкоғолли ичимликлар, мобил телефонлари ва товарларнинг қалбакиларини ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланиб келган уч мингдан ортиқ қаллоб ҳибсга олинди. «Associated Press» агентлигининг хабарига қараганда, Хитой мана неча йилдирки, қалбаки маҳсулот ишлаб чиқаришда жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Қароқчилик бизнеси деб юритилувчи бундай иллатга қарши мамлакатда ўтган йилнинг октябрида бошланган кураш кампанияси тобора ортиб бораётган халқаро босим тақозосидир. Хитойнинг савдо-сотиқ соҳасидаги шериклари, энг аввало АҚШ мамлакат маъмурларига кенг тус олган ишга – харидоргир товарлардан «қонунга хилоф равишда нусха олишга чек қўйиш» талаби билан мурожаат этдилар. Пекиндагилар бунга жавобан вазиятни назоратта олиш ва дарҳол тегишли чоралар кўришни ваъда қилиб, бу ишлар ҳадемай самара кўрсатишини таъкидладилар.

Хитой маъмурлари истиқболда мамлакатни «арзон ишчи

кучи» диёридан биринчи даражали маҳсулот ишлаб чиқарувчи ўлкага айлантиришни мўлжалламоқдалар. «Муаллифлик ҳуқуқи ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этиш инновацияга йўналтирилган жамиятни барпо этиш учун зарурдир», дейди – ХХР Тижорат вазирлиги хузуридаги қонунчилик ишлари бўйича бўлим бошлиғи Ли Чэнган.

Қалбакилаштирилган CD, DVD дисклар ишлаб чиқарувчи, кийим-кечак дизайнини ўзлаштириш ва бошқа фирмом йўллар билан маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи хитойлик корхоналар қонунга итоаткор компанияларга ҳар йили миллиард-миллиард доллар зарар келтирмоқдалар. Охирги рейд вақтида ХХР ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қалбаки «Nokia» ва «Apple» уяли телефонларидан 26 минг донасини, ясама «Louis Vuitton» сумкалари ва «Rolex» соатларини, ҳар хил техника, кийим-кечак ва ҳатто дори воситаларини олиб қўйдилар. Бундан ташқари, маъмурлар қалбаки маҳсулотларни сотиш билан шуғулланиб келган 292 веб-сайтни ёпиб қўйдилар.

газета.ру

АРЗОНИГА УЧМАНГ

Брянск шахрининг Бежицкий туманида, «Тимошков-

лар» савдо уйи атрофида қалбаки товар белгилари туширилган 15 телефон олиб қўйилди.


Чоғроқ дўкончада жаҳонга машҳур фирмаларнинг «Nokia», «Sony Ericsson» ва ҳатто «Vertu» уяли телефонларини ҳар донасини 2 500–3 000 рублдан сотишган (ҳозир ҳақиқий «Vertu» телефони нархи камида 150 минг рублдир).

Текшириш шуни кўрсатдики, сотувчилар бундай савдодан асло зарар кўришмаган, чунки улар қалбаки товар белгилари туширилган телефонларни сотиш билан шуғулланиб келишган. Товарнинг хуфиёна эканлиги тасдиқланган тақдирда савдо нуқтаси эгаси қалбаки маҳсулот сотганлик учун жиноий жавобгар бўлиш билан қутулиб қолмайди. Ҳуқуқ эгалари товар белгиси нуфузи, фирма обрўсига етказилган зарар учун ундан компенсация ундириб олишга ҳақлидир, дейишди Брянск вилояти ички ишлар бошқармасининг матбуот хизматида.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, кейинги вақтларда Брянск шахри бозорлари ва савдо дўконларида машҳур савдо маркаларига ўхшатиб ясалган, сифати бундайроқ уяли телефонлар савдоси тобора авж олмақда. Бундай телефонларнинг нархи арзонлигининг ўзиёқ уларнинг сифати пастлигидан далолатдир. Бундан ташқари, телефон орқали таралаётган радиотўқинларнинг даражаси ҳам тамомила ноён.

брянск.ру

Рассом ҳазили



www.caricatura.ru



СИРТИ ЯЛТИРОҚ...

БИЗ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРДАГИ ГЕНЕТИК МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ОРГАНИЗМЛАР ХУСУСИДА



Кейинги пайтларда озиқ-овқат маҳсулотларининг ёрлиқлари ва ўров қозғаларида «ГМОдан ҳоли» деб ёзиб қўядиган бўлишди. Бу қисқартма нимани англатади?

Р.Ибрагимова.



– ГМО генетик модификацияланган организмлар деган атаманинг қисқартма ифодаси бўлиб, бундай организмларнинг ирсий (ген) кодага ёт-бегона генлар, таъбир жоиз бўлса, «ёпиштириб қўйилган» бўлади.

Мисолларга мурожаат этайлик. Ҳамма ҳуш кўрадиган картошканинг генлари қаторига... чаён генини «қўшиб қўядилар!» Натижада ҳар бир ҳашарот емайди картошкага эга бўлинади. Қутб қалқонбалиги гени билан бойитилган помидор ва қулупнай совуққа чидамли бўлади.

Ҳўш, булар нимага керак дерсиз. Жавоби осон: шу йўл билан олимлар курраи заминимиз аҳлини очликдан халос этмоқчи бўлаётirlар. Зотан бундай помидорларни қаҳратон шимол ўлкаларида ҳам етиштириш мумкин, картошка ҳосилига ҳамма ёқда учрайдиган Колорадо кўнғизининг «тиши ўтмайди». Ўлчаи бир хил, батамом чириб кетгунга қадар ҳушбўй ҳид таратиб турадиган олма яратиш мумкин. Дуккакли ўсимликларда учрамайдиган А витамини ҳосил этадиган генини шолга киритса бўлади. Бу йўсин, яъни натура ҳолида олиш мумкин бўлгач, дорихоналардан витамин қидиришга ҳожат ҳам қолмайди.

Шундай қилиб олимлар маданий экинларнинг ҳосилдорлигини, зараркундаларга чидамлилигини оширмоқдалар, бошқа «фойдали» хусусиятларини ҳам яхшиламоқдалар. Илгарилари селекциячилар бундай натижаларга ўн йиллар мобайнида эришган бўлса, эндиликда бунга нари борса бир-икки йил сарфланмоқда, холос. Генетик модификацияланган экинларнинг энг кенг тарқалганлари соя, маккажўхори, буғдой, лавлаги, тамаки, пахта, рапс, картошка, қулупнай ва сабзавотлардир.

БУ ФОЙДАМИ ЁКИ ЗАРАР?

Ақл бовар қилмайдиган ҳар хил турларни чатиштириш ҳолатининг ўзи кўпчиликни сергаклантирмоқда, ташвишга солмоқда. Табиатда ҳамма нарса ниҳоятда нозиклик билан, жуда пухта ўйланган, башар фарзанди эса бу схемани «бузиш»га уринмоқда. Мактаб зоология дарсидан овқатланиш занжири, силсиласи деган тушунча ёдингизда бўлса керак. Ўтхўрлар ўт-ўлан ейди, кичик йиртқичлар ўтхўрлар билан, катта йиртқичлар эса кичик йиртқичлар билан нафсини қондиради. Асрлар мобайнида шаклланган ана шу экологик тизимга инсон аралашиб, ўтни, айтайлик, балиқ билан чатиштирмоқда. Бу алфозга тушган ўтни ҳеч ким ея олмайди. Натижада аввал ўтхўрлар, уларнинг ортидан йиртқичлар қирилиб кетади. Ёки аллақандай мавҳум мавжудотларга айланиб қолиши ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам оқибати нима бўлишини ҳеч ким билмайди, тасаввур ҳам, башорат ҳам қила олмайди. Бироқ бу йўналишдаги ишларга берилиб кетган генетиклар ўжарлиги билан кесиб-ямашда давом этмоқдалар...

Генлар билан бу хилда ўйнашиш қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида олимлар ўртасида охири кўринмайдиган баҳс-мунозаралар ГМО билан бир пайтда юзага келди. Баъзилар бу ишларни «зарарли, нотабиий, ўрганилмаган» деб бўғилишса, бошқалар зўр бериб «фойдали ва зарур» демоқдалар. Кимга ишонишни ҳам, ГМО ишлаб чиқарилишидан ким наф кўришини ҳам билмайсиз киши.

Бундан энг аввало истеъмолчиларга фойда дейиш мумкин. Бинобарин ҳозир рисоладаги буғдойнинг бир тоннаси 300 доллар атрофида туради, трансгенли буғдойнинг бир тоннаси эса 40-50 долларга тушади. Ишлаб чиқарувчилар ҳам қуруқ қолмайдилар, албатта. Баъзи экинларнинг хусусиятлари (зараркундаларга, об-ҳаво шароитларига чидамлилиги) ошиши ҳисобига бундай уларни етиштириш сарф-харажатлари ва табиийки, баҳоси анчагина камайдир, рақо-

батлашув қобилияти эса ортади.

Бу ишлар кимга фойдасиз эканлигига келганда, айтиш жоизки, барча генетик модификацияланган ўсимликларга асосан зараркундаларга чидамлилиқ хусусияти сингдирилади. Аммо сайёрамизда одатдаги сабзавот ва мевалар қолмайдиган бўлса, пестицидлар ишлаб чиқарувчи компаниялар хонавайрон бўлади-ку!

ҚОНУН ВА ГМО

Маҳсулотлар таркибида ГМОнинг Европада кўпи билан 0,9, Японияда 5 ва АҚШда 10 фоиз бўлиши белгиланган ва бу норма анчадан бери амал қилиб келмоқда. Кўпгина мамлакатларда ГМОси бўлган товарларни тамғалаш шарт деб қўйилган. Уларда ҳозирнинг ўзидаёқ экологик жиҳатдан соф маҳсулотлар бор, «organic» деб юритилувчи бундай маҳсулотлар уларни етиштиришнинг ҳамма босқичларида қатъий назорат қилинади.

Россияда таркибида ГМО 0,9 фоиздан ортиқ бўлган маҳсулотларни тамғалаш шарт. Акс ҳолда жарима солиниб, корхона суднинг ҳал қилув қарори билан ёпиб қўйилгача бўлган жазо чораси кўрилади. Бунга ўхшаш талаблар Украинада ҳам амал қилмоқда. Бироқ арзон, аммо ГМОси бўлган озиқ-овқат маҳсулотини сотиб олиш ёки чўнтакка зўр келса-да, трансгенларсиз маҳсу-



лотлар харид қилиш масаласини Европанинг ўзидагина харидор ҳал қилади. Собик шўролар таркибида бўлган мамлакатларда ҳар иккала турдаги маҳсулотлар нархи ҳозирча бир хил.

Яна бир қизиқ ҳолат. ГМОли маҳсулотлар дастлаб Африкадаги қашшоқ мамлакатлар учун емак сифатида режалаштирилган эди. Бу қашшоқ мамлакатлар эса ГМОли маҳсулотлар олиб қилишини тақиқлаб қўйганликларига ҳам мана беш йилдан ошди. Бундай нарсаларни егандан кўра оч юрган яхши деган фикрга келган кўринадилар.

БУНАҚА МАҲСУЛОТЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ОҚИБАТЛАРИ

Бугунги кунда ҳеч ким ГМОни расман зарарли деб айта олмайди. Кўпинча «потенциал хавфли» деган атамани ишлатадилар.

Боиси ГМОнинг зарари тўғрисида ҳулоса чиқариш учун узоқ ва кўламдор тадқиқот ҳамда экспериментлар ўтказилмоғи зарур. Лекин негадир бундай тадқиқот ва экспериментлар ўтказилмаяпти. Олимлар ГМОни истеъмол қилишнинг оқибатлари тўғрисида баъзи назарияларни баён этиш билан чекланмоқдалар.

Инсон истеъмол қилган трансген ўзича аниқ кўринадиган ёки сезиладиган зарар келтирмайди, негаки у одамларнинг генлари

силсиласига кириб ололмайди. Одам организмда трансген «санқиб юриб» оқсиллар синтезини кўзғаб қўйиши мумкин. Бундай қараганда, бу ҳолнинг кўрқинчли жиҳати йўқ. Аммо бундай оқсиллар инсон организми учун хос эмас, бинобарин табиат уни назарда тутмаган. Бундай синтез нима билан яқун топишини қуйидаги ҳолатлар айниқса аққол кўрсатади:

- ГМОли маҳсулот истеъмол қилиш аллергия билан боғлиқ реакцияларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, генетик модификацияланган маҳсулотлар истеъмол қилишга одатланилган АҚШда аҳолининг қарийб 70 фоизи аллергияга чалинган. Бундай маҳсулотлар тақиқлаб қўйилган Швецияда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 7 фоизни ташкил этади. Буни шунчаки тасодиф деб бўлармиди?!

- трансген маҳсулотларни истеъмол қилиш меъда шиллиқ пардаси тузилмасини ўзгартириб юборади, ичакдаги микрофлораларда антибиотик дориларга чидамлилиқ хусусиятини келтириб чиқаради. Натижада бутун организмнинг иммунитетини пасаяди (одам иммунитетининг 70 фоизи ичакка боғлиқ), шунингдек модда алмашинуви бузилади.

- ГМОли маҳсулот саратон касаллигини келтириб чиқариши мумкин. Трансгенлар ичакдаги микроорганизмларнинг генлари ичига сукулиб кириб жойлашиб олишга қодир, бу аслида норасолик демакдир. Норасолик эса саратон ҳужайралари ривожланишига олиб келиши кўпчиликка аён.


Шуниси ҳам борки, ГМОли озиқ-овқат истеъмол қилинаётганда, бундай оқибатларнинг ҳаммаси юзага келиши шарт эмас.

Уларнинг ривожланиши борасида муайян таҳдид бор, холос. ГМОли маҳсулот истеъмол қилишнинг жамики оқибатларини аниқлаш учун 40-50 йил вақт керак. Бу оз муддат эмас, албатта. Шу сабабли ўзингизга муаммо туғдирмаслик ва касаллик ортириб олмаслик учун озиқ-овқат маҳсулотларини танлашда эҳтиёткор бўлган дуруст. Дарвоқе, мазкур муаммо билан шуғулланаётган кўпгина олимлар таркибида консервантлар, ранг ва ҳид берувчи моддалар бўлган нарсаларга нисбатан ГМОли таомни истеъмол қилиш умуман безарардир деб ишонтирмоқчи бўладилар. Ичакдаги микрофлора билан «чиқишиб кетадиган» ва ҳамкорлик қиладиган генетик модификацияланган микроорганизмларгина потенциал жиҳатдан хавф туғдиради.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

Озиқ-овқат маҳсулотларида ГМО борлигини фақатгина махсус лабораторияда аниқлаш мумкин. Буни кўз билан ҳам, ҳидлаб ёки ушлаб кўриб ҳам аниқлаб бўлмайди. Шу боис биз, яъни оддий харидорлар энг аввало шунини билишимиз зарурки, дўкон ёки супермаркетларда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи таркибида ГМО бор.

Улар энг кўп қолбаса маҳсулотларида (85 фоизга қадар) топилган – трансгенлари бўлмаган сосиска ёки қолбасани мўъжизага ўхшатишлари шундан. Қайнатиб пиширилган



қолбаса маҳсулотлари генетик модификацияланган соя билан тўла дейиш мумкин. Чучвара, чебурек, блинчик каби турли ярим тайёр маҳсулотлар ҳам гиж-гиж трансгенлардан иборат.

Гўшти маҳсулотларни айти шу сабабдан ҳам ўзингиз тайёрлаганингиз маъқул. Бозордан гўшт сотиб олиб, қўлбола жаркоп ёки қўлинг ўргулсин палов тайёрлаганга нима етсин. Ҳеч бўлмаганда, қолбаса ва сосискаларни мунтазам истеъмол қилишдан тийилинг!

Таркибидаги ГМОси бўйича болаларга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари иккинчи ўринда туради – бундай маҳсулотлар таркибининг 70 фоизини генетик модификацияланган моддалар ташкил этади. Чиройли идишдаги мазали пореда трансген борлигини билиш қийин, унинг устига, этикеткасида бу ҳақда ҳеч нарса ёзилмаган. Генетик модификацияланган компонентлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқараётганлар орасида машҳур «Нестле», «Данон» ва «Similac» каби фирмалар ҳам бор. Ваҳоланки, айти тўрт ёшга тўлмаган гўдаклар трансгенларнинг таъсиридан яхши ҳимояланмаган бўлади.

Шуни назарда тутиб, болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланмасликка ҳаракат қилинг. Гўдакни эмизинг – она ситидан баҳраманд бўлсин, унга янги мева-сабзавотлардан ўз қўлингиз билан бўтқасимон таом тайёрлаб беринг. Дарвоқе, ҳар қандай компот консерваланган мева сувларидан анчагина фойдалидир.


Қандолатчилик ва нон-булка маҳсулотлари ГМО борасида учинчи ўринда туради. Генетик модификацияланган сояни печенье, шоколад, ун, конфет ва музқаймоқларга сахийлик билан қўшади. Бундай қўшилмаларни идентификация қилиш оддий одамнинг қўлидан келмайди. Узоқ вақт қотмай юмшоққина турадиган нон, билингки, таркибида 100 фоиз трансген сақламоқда. ГМОдан фойдаланишда «ҳашаги очилиб қолган» компаниялар орасида машҳур «Марс» ва «Сникерс», «Кэдбери», «Кока-кола» ва «Пепси» компаниялари ҳам бор. Хуллас, реклама қилинаётган маҳсулотларни суриштирмай сотиб олиш ярамайди.

Бозордаги чой ва қаҳва маҳсулотларининг 30 фоизи таркибида ГМО бор. Трансгенли сояни қуюлтирилган сут, кетчуп ва соуслар ишлаб чиқаришда ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Консерваланган жўхорини ҳам хавфсиз деб бўлмайди (Венгрияда ишлаб чиқарилаётганлари бундан мустасно – уларда ГМО тақиқланган).

Сабзавот ва меваларни асосан бозордан сотиб оласиз. Бир жиҳатдан бу яхши. Аммо, бошқа тарафдан бу нарса трансгенлар йўқлигига қафолат бўла олмайди. Чунки олган сабзавот ва меваларингиз қандай уругдан етиштирилганлиги номаълум-да!

Генетик модификацияланган маҳсулотни аниқлаш, фарқлашнинг жайдари йўллари йўқми деган саволга жавобан айтиш керакки, биринчидан, бундай маҳсулотлар амалда бузилмайди, уларга ҳашаротлар тегмайди. Иккинчидан, картошка, помидор, олма саралангандек бир хил ҳажмда бўлса, буни генетикларнинг иши деяверинг. Зотан табиатда мева ва сабзавотлар шакл ва тус бобида бирваракайига бир хил бўлмайди. Ва ниҳоят генетик модификацияланган маҳсулотлар кесилганда, шаклини ўзгартирмайди, суви-шарбати чиқмайди. Аниқлашнинг бундан ҳам афзалроқ мезони бўлмаса керак...

Хорижий матбуот материалларидан.



ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

ISSN 2091-5209

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Хўжалик, жиноят ишлари*. Тел.: (+99897) 330-45-71. Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш*. Тел.: 252-52-88, 339-38-34. Кўчмас мулк бўйича юрист мас-лаҳатлари. Кадастр*. Тел.: 448-74-69. «ADVOKAT ELITE». Судларда ва-киллик қилиш. Корхоналар, вако-латхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69. ИШ Зудлик билан сизнинг шартла-рингизда божхона расмийлаштируви учун мутахассислар талаб қилинади. ДБК аттестатини тиклашда ёрдам. Тел.: (+99898) 109-26-11. БАХОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел.: 430-56-00. АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.	Аудиторлик, бухгалтерия хизмат-лари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29. ХИЗМАТЛАР Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46. Маиший техникани таъмирлаш. Тел.: (+998 97) 432-75-06. Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хиз-мат кўрсатиш. Windows, дастурий таъ-минот ва Интернет ўрнатиш ва соз-лаш. Жойига чиқиш билан. Тел.: (+998 93) 577-44-56. Михаил. Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Тел.: (+998 97) 340-45-08. ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юри-дик, техник, тиббиётга оид ҳужжат-ларни малакали таржима қилиш. Ле-галлаштириш. Тел.: 252-38-71, 454-80-01. Компьютерларга хизмат кўрсатиш. Тел.: (+998 97) 438-41-22. Қурилиш-таъмирлаш ва пардоз-лаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79. *Хизматлар лицензияланган.	«AMIR-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти 28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон қўғоқномаси Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш CAP ва CIPA сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади Тел.: (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

Рўйхатлар

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 25 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан Сергели туманидаги банкрот деб эълон қилинган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
"Canerete Max Plus" МЧЖ	300993600	10-1115/10936
"Diramo Savdo Servis" МЧЖ	301292000	10-1115/10935

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходимлари Ш.Муродов ва М.Ахмурзаева тайинланган. Корхона-ларга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек Дав-лат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ҳамда барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхаларини бекор қилинади. Кредитор-лар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 401-хона. Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 8 августдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"RIKHSI-SAVDO" XK	10-1109/12046-т
"RG MASTER-LIZING" МЧЖ	10-1109/12047-т
"EMERALD-LUX" МЧЖ	10-1109/12048-т
"YALPIZ-USTOZ" XK	10-1109/12049-т
"MADERN ELIT PLYUS" МЧЖ	10-1109/12051-т
"RUMAN UT" МЧЖ ИИЧК	10-1109/12052-т
"RADJAPOV UM" XK	10-1109/12053-т
"SHUHRAT ELEGANT SERVIS" XK	10-1109/12054-т
"SOMAG COLD" XK	10-1109/12055-т
"TORSVIK INVESTMENT" МЧЖ	10-1109/12056-т
"SHERKARVON SAVDO" XK	10-1109/12057-т

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқот-ган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйи-ча ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик су-дининг 2011 йил 19 августдаги 10-1117/13111-сонли ҳал қилув қарорига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги «SABAN PLUS» МЧЖ, 10-1117/13112-сонли ҳал қилув қарорига асосан «RESPUBLIKA MUXANDIZ ISHLAB CHIQARISH MARKAZI» МЧЖ, 10-1117/13113-сонли ҳал қилув қарорига асосан «RIZING STAR ANJ» МЧЖ, 10-1117/13114-сонли ҳал қилув қарорига асосан «SHIFO SUT MAHSULOTLARI» МЧЖ ҳамда 10-1117/13115-сонли ҳал қилув қарорига асосан «AZIA-PLAST SERVIS» XK банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид иш очилган. Мазкур корхоналар-нинг топширилмаган думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхоналар-нинг давлат рўйхатидан ўтганли-ги тўғрисидаги қарорлари ва таъсис ҳужжатлари асл нусхалари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга нис-батан талаб ва таклифлар ҳамда эътирозлар эълон чиққандан бош-лаб 1 ой давомида тугатиш комис-сиясига Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биноси, 209-хонада қабул қилинади. Тел. 262-17-82.

Тошкент шаҳар хўжалик суди-нинг 2011 йил 17 августдаги 10-1108/13490-сонли ажримига асосан Шайхонтохур туманидаги "Yangi davr kinosi" МЧЖ бўйича банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган. Кредиторларнинг 1-йи-гилиши 2011 йил 26 август соат 10.00 да Тошкент ш., Шайхонто-хур тумани, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 307-хонада ўтказилади ва ку-затув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 5 сентябрь куни соат 9.30 да Шай-хонтохур туман ДСИ биносининг 307-хонасида сайёр очик суд маж-лисида қўрилади. Ушбу корхона-ларнинг кредиторлари судда қат-нашиш ҳуқуқига эга. Тел. 241-30-86.

ЧИЛОНЗОР САВДО УЙИ

ЦЕМЕНТ
Битум, рубероид

Алебастр, бўр, оҳак
Кальций карбиди
Электродлар
ПВА елими,
дурадгорлик КМЦ елими
Суялтиргич эритгич 649
Куруқ қурилиш аралашмалари
(гипсли, цементли)
Эмаллар, локлар,
бўёқлар, алифмой
Шпатлёвка
Линолеум
Саморезлар 32.5176
Махсус кийим-бош ассортименти

Химоя каскалари
Респираторлар
Хўжалик моллари
Қурилиш михлари 32-120
Сетка-рабица
Гипсокартон
Кум, шағал
Шифер
Қурилиш анжонлари
Кетмонлар, болталар,
катта болгалар, ломлар
Белкураклар (тиғли, куракли)
Ёзув-чизув товарлари
Рухланган пўлатдан
профиллар

ШУНИНГ ДЕК 300 ДАН ОРТИҚ НОМЛАНИШДАГИ БОШҚА МАҲСУЛОТЛАР

8-371-140-00-12 Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42

8-371-140-04-12 chsu.torg@mail.ru

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

Хизматлар лицензияланган

ассортиментда

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

***Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 5 августдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами
"NILUFAR PARDA BIZNES" XK	10-1109/11551-т
"MIRAGE HILL" МЧЖ	10-1109/11552-т
"SHEGGI NET" XK	10-1109/11553-т
"MIRAX SERVIS PLYUS" МЧЖ	10-1109/11554-т
"M AND L SERVIS PLUS" МЧЖ	10-1109/11555-т
"MEXRINISO-ORION" XK	10-1109/11556-т
"EHUS AND SCORPIO" XK	10-1109/11557-т
"ELEKTROTEKHMONTAJ PROGRESS" ШК	10-1109/11557-т
"ASRORBEC UNIVERSAL SAVDO" МЧЖ	10-1109/11558-т
"ASILBEK-EXCILIZIVE-SAVDO" МЧЖ	10-1109/11559-т
"ORIGINAL BIZNES GRANT" МЧЖ	10-1109/11560-т
"KONSERN KARAVAN HIMOYA" МЧЖ	10-1109/11561-т
"ISTIQLOL ULGURJI SAVDO" МЧЖ	10-1109/11562-т
"STINGER STELLERS BUSINESS" МЧЖ	10-1109/11563-т
"ELIT MANTAJ PLUS" ШК	10-1109/11564-т
"KO'HI-NUR-INDUSTRI" МЧЖ	10-1109/11565-т
"BARKAMOL QURUVCHI SAVDO" МЧЖ	10-1109/11566-т
"MELSERSVIS" МЧЖ	10-1109/11567-т
"MEGA NORM INVEST" МЧЖ	10-1109/11568-т
"SHARIF QORI BUSINESS" МЧЖ	10-1109/11569-т
"AL-VOSIHJOI" МЧЖ	10-1109/11570-т
"KARAVAN GOLD" XF	10-1109/11571-т
"OSIYOTEXINVEST" МЧЖ	10-1109/11572-т
"ABUBAKIR-MIRZO" МЧЖ	10-1109/11573-т
"BUSY SILK" МЧЖ	10-1109/11574-т
"RAHIM AYTOKRAN SERVIS" МЧЖ	10-1109/11575-т
"BARAKA FOYDA SAVDO" XK	10-1109/11576-т
"DISTAR FURNITURE" МЧЖ	10-1109/11578-т
"APREL MEDIYA SERVIS" МЧЖ	10-1109/11579-т
"PRIORA TEXTSTROY" МЧЖ	10-1109/11580-т
"AKARA PLAST" XK	10-1109/11581-т
"AZALIYA FOOD SERVICE" МЧЖ	10-1109/11582-т
"VITA GROUP" XK	10-1109/11583-т
"NADIM AZIMI" МЧЖ	10-1109/11584-т
"METALL BAZIS" МЧЖ	10-1109/11585-т
"NUR-JAS BROK" МЧЖ	10-1109/11586-т

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқот-ган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйи-ча ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ **"Norma Hamkor" МЧЖ**

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўнайитириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 1175 Адади 3900. Баҳои келишилган нархда
Газета 2011 йил 19 августда соат 19.00 да топширилади.
ISSN 2010-5223